Биография

Шуҳрат Кўчимов



Кўчимов Шуҳрат Норқизилович 1965 йил 20 апрелда Қашқадарё вилояти Қамаши туманида хизматчи оиласида туғилган. У 1973-1983 йилларда Қамаши туманидаги 15-ўрта мактабда таълим олган. Ш.Кўчимов 1983 йилда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти “Ўзбек ва қозоқ филологияси” факультетининг “Ўзбек филологияси” бўлимига ўқишга кирган. 1984-1986 йилларда Қуролли кучлар сафида Литва Республикасида ҳарбий хизматда бўлган. У 1986-1990 йилларда ТДПИ да ўқишини давом эттирди

Ш.Кўчимов 1990 йилда Низомий номли ТДПИ битирганидан сўнг шу институтнинг ўзида “Рус гуруҳларида ўзбек тили” кафедрасида ўқитувчи сифатида иш фаолиятини бошлайди ва филология фанлари доктори, профессор Н.М.Маҳмудов раҳбарлигида “Ўзбекистон Республикаси қонунларининг тили (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Жиноят кодекси, Жиноят-процессуал кодекси асосида)” мавзусидаги номзодлик диссертацияси устида иш олиб боради.

Ана шулар ҳисобга олиниб, 1993 йилда Ш.Н.Кўчимов Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясига ишга таклиф қилинади ва катта илмий ходим сифатида 1993-1996 йилларда мустақил Ўзбекистон Республикасининг илк қонунлари (Жиноят кодекси, Жиноят-процессуал кодекси, Маъмурий жавобгарлик кодекси кабилар) ни ишлаб чиқиш жараёнида бевосита қатнашади, бу соҳа бўйича бир нечта долзарб мақолалар эълон қилади.

Ш.Н.Кўчимов 1995 йилда филология фанлари доктори, профессор Н.М.Маҳмудов, юридик фанлари доктори, профессор Ғ.Абдумажидовлар раҳбарлигида Ўзбекистон Республикаси ФА Тилшунослик институти ҳузуридаги ихтисослашган кенгашда “Ўзбекистон Республикаси қонунларининг тили (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Жиноят кодекси, Жиноят-процессуал кодекси асосида)” мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилиб, филология фанлари номзоди илмий даражасига эга бўлади.

Биография



Ш.Н.Кўчимов ўз илмий изланишларини давом эттириб, 1996 йилда “Ўзбекистон Республикаси қонунчилик техникасининг долзарб муаммолари (тил, услуб, ҳуқуқий атамашунослик)” номли илк монографиясини эълон қилади ва мазкур илмий рисола ҳуқуқшунос ва тилшунос олимлар томонидан жуда юқори баҳоланади, хусусан, юридик фанлари доктори, профессор Акмал Саидов томонидан “Ҳаёт ва қонун” журналининг 1997 йил 8-сонида “Ўзбек қонуншунослик тили муаммолари”, “Хўжалик ва ҳуқуқ” журналининг 1997 йил 7-сонида “Қонун тили”; филология фанлари доктори Б.Мамедов, юридик фанлари доктори Ж.Тошқуловлар томонидан “Ҳаёт ва қонун” журналининг 1996 йил 7-сонида “Тадқиқотнинг муҳимлиги нимада?”; юридик фанлари номзоди Расул Хошимов томонидан “Постда” газетасининг 1996 йил 13 сентябрь сонида “Қонунчилик тили бўйича рисола” мавзусида тақриз эълон қилиниб, мазкур монографиянинг ўзбек ҳуқуқшунослик ва тилшунослик илмларининг кесишган нуқтасида тамомила янги илмий йўналиш очганлиги, қонун ижодкорлиги жараёни учун жуда муҳим манба вазифаси бажарганлиги қайд этилади. Жумладан, юридик фанлари доктори, профессор А.Саидов: “Қонунчилик техникаси, қонун тили бу – илмий изланишларнинг янги бир мустақил йўналишидир. Шуҳрат Кўчимов ўз китобида икки йўналишда ёзилган асарларга таяниб, янги фанлараро йўналишга асос солган”, - деб таъкидлайди (“Ҳаёт ва қонун” журнали 1997 йил 8-сони, 26-бет).

Ш.Н.Кўчимов 1996 йилда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетига “Ўзбек ва рус тиллари” кафедрасига мудир лавозимига ишга таклиф қилинади ва 2004 йилда филология фанлари доктори, профессор Н.М.Маҳмудов, юридик фанлари доктори, профессор А.Саидовлар раҳбарлигида Ўзбекистон Республикаси ФА Тилшунослик институти ҳузуридаги ихтисослашган кенгашда “Ҳуқуқий нормаларни ўзбек тилида ифодалашнинг илмий-назарий муаммолари (лингво-юридик таҳлил)” мавзусида докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилиб, филология фанлари доктори илмий даражасига эга бўлди. Мазкур диссертация иши республикамизда биринчи марта ҳам ҳуқушунослик, ҳам тилшунослик фанлари доирасида бажарилган иш ҳисобланади. Шунинг учун ҳам тилшунос ва ҳуқуқшунос олимлар томонидан юқори баҳоланади.

Биография



Бундан ташқари, Ш.Н.Кўчимов қонун ижодкорлиги, қонунчилик техникаси ва қонунчилик тили масалалалари бўйича бир қанча рисолалар, жумладан, “Ўзбекистон Республикасида қонунчилик техникаси” (Т.: ЎзР ИИВ Академияси. 1996. 100 б.), “Қонун ва тил” (А.Саидов, Л.Саидова, М.Қосимовалар билан ҳаммуаллифликда. Т.: Иқтисод ва ҳуқуқ дунёси.1997.-224 б.,) “Қонунчилик техникаси асослари” (А.Саидов билан ҳаммуаллифликда, -Т: Адолат. 2001. 228 б.), “Дипломатик тил асослари” (Т., ЖИДУ, 2013, 120 б.), “Юридик тил назарияси ва амалиёти” Т., ЖИДУ, 2013, 220 б.) рисолаларини чоп этган. Қонун тили масалалари бўйича республика илмий нашрларида бир юз элликка яқин илмий мақолалар эълон қилган.

Ш.Н.Кўчимов томонидан ёзилган рисола ва илмий мақолалар нафақат олимлар ва талабалар, балки етук амалиётчи мутахассислар учун ҳам муҳим дастуриламал вазифасини бажармоқда. Жумладан, “Қонунчилик техникаси асослари” (А.Саидов билан ҳаммуаллифликда, -Т: Адолат. 2001. 228 б.), Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари учун қонун ижодкорлиги жараёнида муҳим манба вазифасини бажармоқда.

Ш.Н.Кўчимов Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида 1996-2008 йилларда “Ўзбек тили” кафедраси мудири, 2008-2012 йилларда Тил таълими факультети декани, 2012-2014 йилларда илмий ишлар бўйича проректор лавозимида ишлаган. Ҳозирда эса Тошкент давлат юридик университетида профессор, ўриндошлик асосида Ўзбекистон Республикаси ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори илмий-тадқиқот институтида етакчи илмий ходим, Юристлар малакасини ошириш марказида профессор сифатида юридик тил билан боғлиқ турли фанлардан дарслар олиб бормоқда.

Шунингдек, у Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида нашр этилаётган “Халқаро муносабатлар: иқтисод, сиёсат, ҳуқуқ“ илмий журнали масъул котиби, бош муҳаррири ўринбосари сифатида фаол иштирок этган.